

## УШБУ СОНДА:

**БИРИНЧИ МАРТА**  
хорижий давлатда  
Ўзбекистон йили  
ўтказилади **2-бет**

**САРСОНГАРЧИЛИКНИНГ  
САБАБИ НИМАДА?**  
Олти ой ишламаган  
телефон бир кунда  
ишлатиб берилди **4-бет**


**ЁШЛАРГА ОИД  
ДАВЛАТ СИЁСАТИ**  
"Ёшлар уйлари" кимларга  
берилади? **5-бет**

**ОБСУЖДАЮТСЯ**  
изменения в Положении  
об Инновационном  
центре MUIС **6-бет**

**МОБИЛ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
Глобал харажатлар 1,6  
трлн. доллардан ошади  
**12-бет**

**КУТУБХОНАНИ  
КИМ ҚУТҚАРАДИ?**  
Халқимиз бебаҳо  
бойлик — китобларга  
тўла кутубхонасидан  
жудо бўлмаслиги керак  
**13-бет**

## Марк Рочман: ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТА САЛОҲИЯТ БОР



"Openbucks" компанияси  
асосчиси ва президенти  
"Xabar" газетаси учун  
махсус интервью берди

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда БМТТД-нинг "Маъмурий ислохотлар ва рақамли трансформация" лойиҳаси доирасида электрон тижорат бўйича эксперт, америкалик ишбилармон "Openbucks" компанияси асосчиси ва президенти Марк Рочман 8-16 март кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мутахассис бир ҳафталик сафари давомида турли вазирлик ва идоралар, компаниялар, олий таълим муассасаларида бўлди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек инновация маркази резидентларининг IT-хизматлари экспорти жараёнларини соддалаштириш, хорижий инвестиция компаниялари ва фондларини ҳамкорликка жалб этиш бўйича амалий тавсиялар берди. Таниқли эксперт "Xabar" газетаси учун ҳам махсус интервью берди.

3-бет ▶

### ▶ ЯНГИЛИК

## "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" КИОСКЛАРИ МУЛТИМЕДИЯ МАРКАЗЛАРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Юртимизда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ҳамда ушбу тизимдаги корхоналар орқали республика ва маҳаллий миқёсдаги босма даврий нашрлар тарқатилади. Газета ва журналларни тарқатиш 117 йўналишда, қарийб 18 минг километр масофада амалга оширилади.

Мазкур компаниянинг истиқболли ривожлантириш ва молия бўйича директори Маҳмуд Ориповнинг "Бизнес-Daily" нашрига билдиришича, айни пайтда хориж тажрибасига таянган ҳолда иш юритилапти. Яъни, киоскларнинг вазифалари кенгайтирилиб, уларнинг аҳолига

ахборот, рекламага оид, турли тўловларни қабул қилиш, интернет-

Хусусан, киоскларда тулов терминаллари, интерактив карта, Wi-Fi орқали маълумотларни узатиш, интернет буюртмаларини бериш, уларни етказиш каби хизматлар кўрсатилади.

Тез орада анъанавий "Матбуот тарқатувчи" киосклари ҳозирги даврнинг талаб ва тақлидига асосан замонавийлаштирилади. Улар умумий мултимедия марказларига айлантирилади. Яъни, бундай киоскларда аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатилади.

### ▶ РЕКЛАМА

**ALSKOM**  
SUG URTA KOMPANIYASI  
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

**ЯККА ПАРТИБДАГИ  
БАХТСИЗ  
ҲОДИСАЛАРДАН  
СУҒУРТА**

(371) 147 11 00

*Хизматлар зиннати*


**ЎЗБЕКИСТОНДА**

**50%**  
хондониларнинг шахсий компьютерлар билан таъминланishi даражаси (2000 йилги 0,2 фоиз)

**257%**  
хондониларнинг мобил телефонлар билан таъминланishi даражаси (2000 йилги 17,8 фоиз)

**154%**  
хондониларнинг телевизорлар билан таъминланishi даражаси (2000 йилги 90,5 фоиз)

Маъна: Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил вақтинчи ҳисоботи



## БИРИНЧИ МАРТА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

Халқаро валюта жамғармаси экспертлар гуруҳи жорий йил 26 феврал — 13 март кунлари Ўзбекистонда амалга ошириладиган банк-молия, иқтисодий, солиқ, статистика тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ўрганди. Бу ҳақдаги яқини хулосаларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўрибосари, молия вазири Жамшид Кўчқоров, Марказий банк раиси Мамааризо Нурмуратов, Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича департаменти директори маслаҳатчиси Алберт Егер матбуот анжуманида маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 март кuni Рим-католик черкови раҳбари Франциски Ватикан миллий байрами — унинг Муқаддас тахтга ўтирган кuni муносабати билан ҳамда 14 март кuni Ангела Меркелни унинг Германия Федератив Республикаси Федерал канцслери лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март кuni қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан 85 фоиз таъминлангани, маълум қисми эскиргани, уларни ўз вақтида янгилаш чоралари кўрилмагани қаттиқ таъкид қилинди.

Наманган вилоятига расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг Жалолобод вилоятидаги мухтор вакили Қиянбек Сотиболдиев раҳбарлигидаги меҳмонлар замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган саноат, қурилиш индустрияси, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўرғазмаси билан танишиб, тadbиркорлик субъектлари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Қирғизистон тadbиркор ва ишбилармонлари бизнес форуми бўлиб ўтди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизimini тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилди. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси тасдиқланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3604-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2018 йил 9 март кuni имзоланган фуқароларнинг ўзаро сафари тўғрисидаги битим тасдиқланди. Қарорга кўра, Ҳукуматларо битим Тожикистон Республикасининг фуқароларига нисбатан 2018 йил 16 мартдан бошлаб татбиқ қилинади. Шу кундан Тожикистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонга 30 кунгача визасиз сафар қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март кuni Қозоғистонга амалий ташриф билан борди. Остона шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг илк маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев шундай учрашув ўтказиш таклифини илк бор 2017 йил сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Бу ташаббус ноябр ойида Самарқандда ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзудаги халқаро конференцияда минтақанинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган,

Қозоғистон томони биринчи учрашувни Остонада ўтказишни таклиф қилганди.

Ташриф доирасида яна бир муҳим тadbир — Қозоғистонда Ўзбекистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу маросимда нутқ сўзлади.

"Шу пайтгача чет давлатларда Ўзбекистон кунлари ўтказилган, лекин ҳали Ўзбекистон йили бўлмаган эди", — дейди Президентнинг матбуот котиби Комил Алламжонов.

13 март кuni матбуотда Давлатимиз раҳбарининг "Буюқ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори чоп этилди. Бу икки қардош халқнинг бир-бирига ҳурмат-эътиборининг яна бир ифодаси

бўлди. Қарор билан Абай Қўнонбоевнинг "Сайланма" асарини ҳамда "Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари" номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Абай ва ўзбек адабиёти" номли доимий экспозицияни ташкил қилиш, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида "Абай асарларининг билимдонни" иншолар кўрик-танловини ўтказиш, мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хуна, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш сингари тadbирлар белгилаб берилди.

### МУЛОҚОТ

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Аҳмедхалжаев Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда консалтинг ва аудит бўйича

профессионал хизматларни кўрсатувчи "PricewaterhouseCoopers" халқаро компаниялар тармоғи делегацияси билан учрашди.

Учрашувда экспертлар гу-

руҳи Ўзбекистоннинг телекоммуникациялар бозорига олиб борилган ўрганишлар натижасига оид ҳисоботни тақдим қилдилар. Шунингдек, тақдиротда телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан халқаро илғор тажрибалар қайд этилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари мамлакатнинг телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантиришга оид инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга, хусусан, халқаро интернет тармоғига улашни тезлигини ошириш бўйича ҳамкорликка тайёр эканликларини таъкидладилар.

Томонлар ҳамкорликни экспертлар иштирокида иккала томон учун ҳам манфаатли қилишувлар доирасида давом эттиришга келишиб олдилар.

### МАЪРИФАТ ДАРСИ

## ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган "Азалий қадриятлар ва яқин қўшничиликка асосланган ҳамкорликнинг янги даври" мавзудаги маърифат дари Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 9-10 март кунлари Тожикистон Республикасига қилган расмий ташрифи тафсилотларига бағишланди.

Маърифат дарсида таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Тожикистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб турди. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан бо-

ланган. Азалий қўшнилик ва ўзаро ҳурмат аънавалари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустақкам асос бўлиб хизмат қилипти.

Сўзга чиққанлар икки мамлакат Президентларининг яқкам-яқкам музокараларида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро муаммоларни ҳал этишга қўмақлашиш, терроризм ва экстремизм ҳамда бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида давлатларо ҳамкорликни мустақкамлашдан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам манфаатдор экан-

ни таъкидлангани, сув-энергетика ресурсларини оқилона ва адолатли фойдаланиш, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудларо алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзолангани борасида шахсий таркиби хабардор қилинди.

Ш.ШАҲАКИМОВ,  
ДФХ бўлим бошлиғи  
подполковник

# Марк РОЧМАН: ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТА САЛОҲИЯТ БОР

“Openbucks” компанияси асосчиси ва президенти “Xabar” газетаси учун махсус интервью берди



◀1-бет

— Ўзбекистонга хуш келиб-сиз, жаноб Рочман. Мамлакатимизга ташрифингиз қандай бошланди ва бундан қўзланган асосий мақсад нима?

— Раҳмат. Дастлаб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигида вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров билан учрашдим. Бизнинг суҳбатимиз жуда фойдали ва самарали бўлди. Унда Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар тўғрисида суҳбатлашдик. Мамлакатингизда ҳақиқатда катта салоҳият мавжуд.

Бу салоҳиятнинг асосийларидан бири — ёшлар сонининг юқорилиги бўлса, иккинчиси — ахборот технологияларига қизиқувчи ёшларнинг улushi катта эканлиги. Хукумат томонидан ёшларнинг ушбу қизиқишларини рўйбега чиқариш учун ахборот технологияларига ихтисослашган бир қатор олий таълим муассасалари очилган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ташкил қилинган ва у ерда ахборот технологияларининг замонавий тенденцияларини ўрганиш ва яхши мутахассислар бўлиб етиштирилган. Бунга ушбу университетга борганимда гувоҳ бўлдим.

Бизнинг асосий мақсадимиз — Ўзбекистоннинг шундай иқтисодий ёшлари, малакали мутахассислари учун ахборот технологияларини соҳасидаги дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилишига йўл очиб, хусусан, АҚШдаги АТ-компаниялари билан алоқаларини шакллантиришга ёрдам беришдан иборат.

— “Openbucks” компанияси электрон тўловлар тизимида катта тажрибага эга. Ўзбекистонда халқаро тўлов тизимларини жорий этиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Биз “Алоқабанк” ва UZCARD тўлов тизими раҳбарлари билан учрашдик ва улар билан суҳбатимиз давомида ҳозирда Ўзбекистонда электрон тўлов тизимлари қай даражада ривожланаётгани ҳақида маълумотлар олдик. Келажакда бу йўналиш жуда катта тезлик билан олдинга силжиши кераклигига ишонч ҳосил қилдик. Яқин

вақтларда “Visa” ҳамда “Mastercard” каби халқаро тўлов тизимлари ҳам ўзларининг тўлиқ имкониятлари билан Ўзбекистон бозорига кириб келади, деган умиддамиз.

Бизда, Америкада халқаро миқёсда электрон тўловларни амалга ошириш имконини берадиган “PayPal” компанияси бор, худди шунга ўхшаган Ўзбекистондаги компаниялар вакиллари билан кўришдик. Уларнинг ҳаммасида истиқболли режалар бор. Яқинда Марказий банк вакиллари билан ҳам учрашиб, бу йўналишда суҳбатлашамиз. Яқин масофада контактсиз тўловларни амалга ошириш технологиясини ривожлантириш, йирик халқаро тўлов тизимларини Ўзбекистонда жорий қилиш масалаларида қўлимиздан келганча кўмак беришга тайёرمىз.

Келажакда халқаро тўлов тизимлари киритилганидан сўнг, электрон тижоратни амалга оширишга кўмаклашиш учун биз ўзимизнинг платформамизни тақдим этишимиз мумкин. Бу платформада тўловларни UZCARD карталари орқали амалга оширишни жорий қиламиз. Бу тизим нафақат Ўзбекистон фуқароларига интернет орқали дунёнинг турли онлайн дўконларидан маҳсулотлар харид қилиш, хизматлардан фойдаланиши учун, шу билан бирга, келажакда туристлар Ўзбекистонга келганларида ўзларининг шахсий қарточкалари орқали бу ерда инсталланган дўкондан нарса сотиб олиши ёки хизматлар ҳақини тўлашлари учун хизмат қилади.

— Таҳлил қилиб кўришимиз, бу режаларни амалга оширишда қандай муаммолар ёки тўсиқлар юзага келиши мумкин?

— Авваламбор, Ўзбекистонда мавжуд бўлган шароитлар ва муаммоларнинг бошқа мамлакатлардагидан унчалик катта тафовут йўқ. Аксинча, мамлакатингизда ажойиб имкониятлар бор. Масалан, электрон тижорат тизимини ёки интернет билан боғлиқ бўлган тўлов тизимларини жорий этиш учун Фарб мамлакатларида катта тўсиқлар бор. Чунки у ерда кредит қарточкалари тизимлари анча ривожланиб кетган ва бу нарса ўрнашиб қолган.

Ўзбекистонда эса худди оппоқ

қозоғга ёзгандек, янги технологияларни жорий қилиш ва уни йўналиштириш имкони мавжуд. Шунинг учун мамлакатда катта салоҳият бор деб ўйлайман. Бу ўзгаришларни янаям тезроқ амалга ошириш учун катта тажрибага эга “Mastercard”, “American Express” каби халқаро компанияларни жалб қилиш керак. Албатта, бундай йирик ташкилотлар Ўзбекистонга кичик бозор деб қараши мумкин, лекин аҳоли сонига ва уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат эканига қарайдиган бўлса, бу мамлакатда электрон тижорат тизими тез орада ривожланишидан далолат беради. Ушбу йўналишларда фаолият олиб борадиган тadbirkorлар билан уларнинг стратегияларида, улар аниқ стратегияларга эга эканига ишончимиз комил бўлди ва бу тез орада ўз натижасини кўрсатади, деб ўйлайман.

— Мирзо Улугбек инновация маркази тажрибасига қандай баҳо берасиз?

— Авваламбор, Мирзо Улугбек инновация маркази каби тажрибаларни бошқа мамлакатларда бориб кўрмаганман. Лекин, ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтганим бўлсам, бизнинг “Openbucks” компаниямиз АҚШдаги машҳур “Кремний водийси”да ташкил этилган ва Мирзо Улугбек инновация маркази тутадиган ёндашувларда худди “Кремний водийси” туган йўлга ўхшашликлар жуда қўлингизни кўрдим. Бу, қувонарли албатта.

Ахборот технологиялари йўналишидаги янги компанияларни ташкил этишда ва улар фаолиятини жадаллаштиришда компаниялар ва уларнинг ходимларига солиқ имтиёзлари, логистика, ишлаш жойи ва инфратузилма нуқтаи назардан қўлай шароитлар яратилиши мақсад қилинган экан ушбу марказда. Бу жуда тўғри йўл. Чунки бундай ёндашув орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. Худди “Кремний водийси”да ўша ҳудудга бориб ишлаш шарт бўлмагани каби, бу ерда ҳам шундай тажриба қўлланилган. Инновация марказининг гоёси унинг бир ҳудудлигида эмас, мутахассислар дунёқарашида, ишга бўлган муносабатда шаклланиб бўлиши керак. Ва албатта, уларга ша-

роит яратиб берадиган ҳукумат ёки йирик компаниялар ёндашувидан ҳам шу нарса акс этган бўлиши лозим. Шундагина бу қўтилган натижаларни беради.

Ҳозир бу борада жиддий ишланаётгани гувоҳи бўлиб турибман. Бунинг натижаси сифатида, мана, менинг ўзим ҳам ўша “Кремний водийси”дан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бу ерга келиб турибман. Бундай ҳамкорликни келажакда ҳам давом эттиришга тайёрман, АҚШнинг йирик ком-

Бироқ ҳали бу борада қатъий бир тўхтамга келганимиз йўқ. Шунга қарамасдан, бир қатор аниқ хулосаларимиз бор.

Умуман олганда, ҳозирги АТ-технологиялар ривожланган шароитда мутахассисларни бир жойга тўплаб ишлатиш шарт эмас. Масофадан туриб ҳам бемалол вазифаларни бажариш мумкин.

— 2017 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга қилган давлат ташрифи вақтида Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ва АҚШнинг “Openbucks” корпорацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди.

— Ҳа, компаниямиз Тошкент шаҳридаги ИНХА университети билан аввалроқ ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, томонларнинг “Silicon Valley Talks” (Кремний водийси суҳбатлари) қўшма дойираси бўйича қатор ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Унга кўра, ҳар ойда ёки ҳар чоракда “Кремний водийси”да жойлашган номдор АТ-компанияларининг тажрибали мутахассислари ИНХА университетида олиб келиниб, талабалар билан суҳбатлар, маърузалар ташкил қилинади.

Келган мутахассислар ўзлари олиб бораётган энг сўнгги тадқиқотлари, тажрибалари, тавсиялари билан ўртоқлашади.

Шунингдек, айрим ечимини кутаётган топириқлар асосида талабалар ўртасида танловлар ташкил қилишимиз мумкин. Худлас, университет билан шу каби бир қатор қизиқarli лойиҳаларни амалга оширишимиз.

— Ўзбекистонга ташрифингиз сизда қандай таассурот қолдирди?

— Албатта, бир қатор фойдали келишувларга эришдик. Ажойиб мутахассислар билан танишдим, ҳамкорлар орттирдим. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ҳам катта эканига гувоҳ бўлдим. Ўзим ташриф давомида қисқа муддат Самарқандда бўлдим ва бу менда жуда катта таассурот қолдирди. Келгусида фақат сайёх сифатида Ўзбекистонга келишни ва бошқа тарихий ш-ларларини ҳам кўздан кечирини мақсад қилиб қўйдим.

— “Xabar” газетаси учун махсус интервью беришга розилик берганингиз учун ташаккур билдиришимиз ва кўпсонли ўқувчиларимиз номидан фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

— Раҳмат.

Лутфилло ТУРСУНОВ  
суҳбатлашди

МАЪЛУМОТ УЧУН:

“Openbucks” компаниясига 2010 йилда асос солинган бўлиб, у электрон тижорат соҳасида инновацион хизматлар учун дастурлар ишлаб чиқаради. Шунингдек, компания интернет тўловлари учун ҳам махсус тизимлар яратади. Бунда фойдаланувчининг кредит қарточкаси унинг интернетдаги саҳифасига уланади ҳамда маҳсулотлар учун тўловларни махсус кодлар орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

# САРСОНГАРЧИЛИКНИНГ САБАБИ НИМАДА?


## Олти ой ишламаган телефон бир кунда ишлатиб берилди

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиалига қарашли Пахтаобод туманлараро почта алоқаси боғламасининг масъул ходимлари хатни олувчига етказиб бериш чорасини кўришмаган ва хат қайтариб юборилган...  
Натижада фуқаро Президент виртуал қабулхонасига такроран мурожаат қилган.

Вилоятимиз ҳудудий бўлинмасига 2018 йилнинг ўтган даврида Президент виртуал қабулхонаси орқали 13та, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 5та, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги орқали 17та, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг 1144 рақамли “Ишонч телефони” орқали 67та, жами 102та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 29таси мобил алоқа хизмати сифатида, 53таси телефон алоқаси ва интернет хизмати сифатида, 10таси почта алоқаси хизматлари сифатида, 7таси телерадиоузастиш соҳасига ва 3таси бошқа соҳаларга тааллуқли.

Буларни кўриб чиқиш жараёнида айрим жисмоний ва юридик шахслар алоқа хизматлари сифати юзасидан ташкилотларнинг “Ишонч телефони”га ёки ташкилот раҳбарига эмас, балки тўғридан-тўғри юқори ташкилотларга мурожаат қилишгани маълум бўлди. Демак, мурожаатчилар билан учрашилганда хизмат кўрсатувчи ходимлар ишонч телефонлари ва масъул раҳбар ходимларнинг қабул кунлари ҳақида етарли маълумот беришмаган.

Ҳудудий бўлинма барча мурожаатларни қонун доирасида ўз вақтида кўриб чиқди. Натижада кўпга фуқароларнинг алоқа хизматларидаги муаммолари ижобий ҳал этилди. Алоқа хизматлари сифати бузилишига сабабчи тўрт нафар ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан жазима солинди, икки нафар ходимга ҳайфсан интизомий жазо чораси кўрилди.



Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, масъул ходимларнинг мурожаатларга эътиборсизлиги ва камчиликлар жойида баргараф этилмаётганлиги истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бир мурожаат таҳлили: Андижон вилоятининг Избоскан туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига қилган мурожаати юзасидан жавоб хати почта алоқаси орқали етиб келмаганлиги борасида тегишли органларга мурожаат қилган.

Маълум бўлишича, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Андижон филиалига қарашли Пахтаобод туманлараро почта алоқаси боғламасининг масъул ходимлари хатни олувчига етказиб бериш чорасини кўришмаган ва хат қайтариб юборилган... Натижада фуқаро Президент виртуал қабулхонасига такроран мурожаат қилган.

Андижон туманида яшовчи фуқаро Ю.О. хонадонидagi телефони олти ойдан бери ишламаётганлиги юзасидан инспекциянинг 1144 рақамли “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганиб чиқилганда ҳақиқатан ҳам у 2017 йил 6

июн куни “Ўзбектелеком” АЖ Андижон филиалида ташкил этилган 1086 қисқа рақам (Call-center) хизматида мурожаат қилгани аниқланди. Учас-ка электромонтёри ва масъул ходимларнинг ўз ишга масъулиятсизлиги сабабли носозлик ўз вақтида баргараф этилмаган. Ҳудудий бўлинма мурожаатни ўрна-тилган тартибда кўриб чиқ-ди ва шу куннинг ўзида му-рожаатчининг телефони меъ-ёрида ишлатиб берилди.

Истеъмолчиларнинг мурожа-атлари кўриб чиқилишида йўл қўйилаётган камчиликларни баргараф этиш ва хизматлар сифатини ошириш бўйича ин-спекциянинг ҳудудий бўлинма-си томонидан “Ўзбектелеком” АЖ Андижон филиалига ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ан-дижон филиалига кўрсатма берилди ҳамда вилоятдаги ет-тига аҳоли масканида мобил алоқа тармоғини кенгайтириш бўйича мобил алоқа хизмат-лари кўрсатувчи корхоналар-га таклиф юборилди.

Ҳар бир вилоят ёки туман да-ражасидаги раҳбар-ҳодим алоқа сифати бўйича муаммоларни жойида баргараф этиш чорала-рини кўрмаётгани ҳамда улар-

даги “Ишонч телефонлари” кенг оммага тарғиб қилинмаётганли-ги сабабли мижозлар муаммо-ни ҳал қилиш учун қаерга му-рожаат қилишини билмай овора бўлишяпти.

Ҳудудий бўлинма томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-атларини кўриб чиқилишини ях-шилаш мақсадида бир қанча ишлар амалга ошириб келин-ди. Жумладан, Избоскан ва Пахтаобод туманларидаги алоқа корхоналарининг иш юритув-чи ва мурожаатлар билан иш-ловчи ходимлари иштирокида семинарлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, доимий ра-вишда вилоятдаги алоқа хиз-матлари кўрсатиш жойларига бориб, истеъмолчилар учун яратилган шароитлар, хизмат-лар бўйича маълумотларнинг мавжудлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ўрганиб чи-қилмоқда.

**Ж.СУЛАЙМОНОВ,**  
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техно-логиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Андижон вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

### Билиб қўйган яхши

## МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН, БИРОҚ...

Ўзбекистон Республикаси-да фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқи Бош қомусимизда ка-фолатланган бўлиб, бир қатор қонунлар асосида тартибга со-линади ва кўриб чиқилади.

Бироқ мурожаат ҳам қону-ний талабларга мос келиши лозим.

Сўнгги вақтда Алоқа, ахбо-ротлаштириш ва телекомму-никация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат ин-спекциясига истеъмолчилар то-монидан корхона ва муассасалар, шунингдек, турли хизматлар билан боғлиқ қисқа рақамлар-га кўнғироқ амалга оширилган-да, ҳисобдан пул ечилганлик ҳолати бўйича кўпга шикоятлар келиб тушмоқда.

Авалло, шунингдек керак-ки, корхона, ташкилот, муас-

сасаларнинг қисқа рақамлари фуқароларга қулайлик яратиш учун жорий этилган бўлиб, фавқулодда тезкор хизматлар ра-қамлари тоифасига кирмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғри-сида”ги қонуни 14-моддаси 3-хатбосига асосан фавқулодда тезкор хизматларни (ёнгинга қарши, милиция, тез тиббий ёрдам, газ тармоғининг авария хизмати ва бошқа хизматлар-ни) чақириниш барча фойдаланув-чилар томонидан бепул амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ахборот техно-логиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазир-лиги томонидан 2018 йил 12 январ куни тасдиқланган “Те-лекоммуникациянинг универсал

хизматларига тарифларнинг че-гаравий даражалари” 125-1/1-сон нархнома (прейскуранти)га асосан барча алоқа операторлари томонидан фавқулодда тезкор хизматларга кўнғироқлар учун ҳақ олинмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш ке-ракки, корхона ва ташкилотлар телевидение, радио, газеталар-да ўз ишонч телефонлари (қисқа рақамлари) ҳақида эълон бе-раётганда бу рақамларга кўнғи-роқ бепул ёки пуллик эканли-гини маълум қилишса, бирин-чидан, истеъмолчилар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш билан боғ-лиқ қонун талабларига риоя этган, иккинчидан, асосиз му-рожаатларнинг камайишига ёрдамлашган бўлар эди.

Инспекция матбуот хизмати

### АКС-САДО

## ОҚ ВА ҚОРА

### Бировнинг сирини ошкор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Газета тахламларини кўриб ўтирганимда “Xabar” газетаси-нинг 2017 йил 17 ноябрдаги 46 (1312)-сонида чоп этилган “Те-лефондаги сир” сарлавҳали ма-қола эътиборини торти. Огоҳ-ликка чорловчи ушбу мақола юзасидан 8, 9, 10-синф ўқувчи-лари ҳамда ўқитувчилар ишти-рокида давра суҳбати ўтказдик. Телефонда сўзлашиш олоби, му-омала маданияти, бировнинг сирини ошкор қилмаслик ҳусу-сида мактаб ўқувчилари билан дилдан суҳбатлашиб олдик. Те-лефондан тўғри фойдаланмаслик-нинг салбий оқибатлари ҳақида ўқувчиларга тушунчалар бердик.

Мактабимизда ўқувчиларнинг телефондан фойдаланиши тар-тибга тушган. Аммо кўча-қўйда, уйда ота-оналар фарзандларининг

телефондан фойдаланишини, ал-батта, назорат қилишлари зарур.

Ўқувчилар орасида техника-га қизиқадиганлар, айниқса, ком-пютер, телефон устаси бўлиш ор-зусидаги ёшларимиз учун ма-қолада тилга олинган масалалар ибрат бўлади, деган умидламан.

“Xabar”да келусида ҳам ибратга чорловчи, ахборот хавфсизлиги-га оид янада кўпроқ материаллар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ёшларимиз навни-ҳол. Уларга оқ ва қорани тани-тишда оммавий ахборот восита-ларининг ўрни беқийс.

**Очил ЭЛМУРОДОВ,**  
Бойвут туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув тарбия-вий ишлар бўйича ўринбосари

# “ЁШЛАР УЙЛАРИ” КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

— Мен имтиёзли ипотека кредитлари асосида “Ёшлар уйлари”дан бирини сотиб олмоқчи эдим. Ушбу уйлارни сотиб олиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

**Жўрабек ОДИЛОВ, Қарши шахри**

Шу ва “Ёшлар уйлари” билан боғлиқ бошқа саволларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шомурод САТТОРОВ жавоб беради:



— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ажратилган тураржойларни ипотека кредити асосида сотиб олиш учун мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида вилоятимизда “Ёшлар уйлари” қурилиб, фаол ва иқтидорли ёш оилаларга тақдим этилмоқда.

“Ёшлар уйлари”даги хонадонлар тижорат банклари томонидан имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан ёш оилаларга сотилади.

### Ёш оилалар деганда кимлар тушунилади?

— Эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб воёга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл).

### Кредитлар қанча муддатга берилади?

— “Ёшлар уйлари”даги хонадонларни сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли ипотека кредитлари ёш оилаларга 20 йил муддатга берилади.

### Ушбу имтиёздан барча ёш оилалар фойдаланиши мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёш оилалар”нинг кўп квартиралли уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига Ўзбекистон фуқароси бўлган 30 ёшдан ошмаган оилалар ушбу имтиёздан фойдаланиши мумкин.

### Кимлар юксак натижага эришган дея топилади?

— Фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳа-

ларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар (қоидага кўра, давлат мукофотлари, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари) эга бўлиши белгиланган.

### “Ёшлар уйлари”ни тақсимлашнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган “Ёшлар уйлари”ни сотиб олишнинг электрон навбат тизими тест тартибидан ишга туширилди.

### Ташкилотнинг негизи ҳисобланган бошланғич ташкилотларда фаолият юритаётган Ёшлар етакчиси учун имтиёзлар борми?

— Албатта. Ушбу ҳолатда улар фаолиятидаги фаоллиги ва икки йилдан ортиқ бўлган ёшлар етакчилигидаги иш стажига эътибор қаратилади (собиқ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатидаги Ёшлар етакчилиги ҳам ҳисобга олинади).

### Ёшлар етакчисининг республика миқёсидаги

### натижалари бўлмаса, вилоят Кенгаши раиси тавсияси асосида “Ёшлар уйлари”ни олиши мумкинми?

— Мумкин. Фақат туман ёки шаҳар Кенгашининг тавсияси ва вилоят Кенгашида ташкил этилган комиссиянинг ижобий хулосаси асосида вилоят Кенгаши раиси Ёшлар етакчисига “Ёшлар уйлари”ни олиши учун тавсия беради.

### Қандай ҳужжатлар топшириш керак?

Куйидаги ҳужжатлар топширилади:

- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) Кенгаши раиси номига ариза;
- 3x4 ҳажмдаги 4 дона расм ва номзоднинг сўровномаси;
- никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; биринчи марта расмий никоҳдан ўтгани тўғрисида маълумотнома;

- оиланинг таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва оила аъзоларининг паспортлари (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-лар) нусхалари;

- яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан берилган ёш оиланинг тураржой шароитлари Низомнинг 5-бандида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- иш берувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтари нусхаси (нусха аслига тўғри бўлиши шарт);

- номзоднинг (оила аъзоларининг) доимий иш жойидан берилган охириги 12 ой давомидаги даромадлари тўғрисида маълумотномалар ёки уларнинг яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган номзоднинг (оила аъзолари — эр ва хотиннинг) охириги 12 ой да-

вомидаги даромадлари тўғрисида декларацияларнинг нусхалари. Маълумотнома регистрация қилиниши шарт;

- Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлими томонидан берилган, номзодлар номида (эр-хотинда) мулк ҳуқуқи асосида тураржой йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

- ёш оила Низомнинг 4-банди талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар. Яъни, эришган ютуқлари бўлиши керак.

### Шаффофлиқни таъминлаш мақсадида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ёшлар уйлари”ни тақсимлашнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган “Ёшлар уйлари”ни сотиб олишнинг электрон навбат тизими тест тартибидан ишга туширилди.

Мазкур электрон тизим Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳузуридаги Республика комиссияси томонидан ҳисобга қўйилган номзодлар электрон навбатда қайд этилади ҳамда ҳудудлардаги уйлارнинг топширилиш жараёнига қараб, номзоднинг навбат рақами тизимли равишда ўзгариб боради. Ушбу тизим ёш оила вакиллари уйдан чиқмаган ҳолда ўз навбатини унга берилган махсус ID-KOD асосида мунтазам равишда кузатиб бориш имкониятини беради.

**Ахрор СОДИҚОВ**  
ёшб олди

**Электрон навбат тизими ёш оила вакиллари уйдан чиқмаган ҳолда ўз навбатини унга берилган махсус ID-KOD асосида мунтазам равишда кузатиб бориш имкониятини беради.**

## 6 СОТРУДНИЧЕСТВО

В МИНИНФОКОМЕ ПРОШЛА ВСТРЕЧА  
С ПРЕДСЕДАТЕЛЕМ ПРАВЛЕНИЯ ORASCOM TELECOM HOLDING

Беседу с председателем правления египетской Orascom Telecom Holding Наджибом Савирисом провело руководство министерства. Египетского бизнесмена, находящегося в Узбекистане в период с 14 по 16 марта, ознакомили с деятельностью Мининфокома, развитием IT-отрасли в стране, планами на ближайшую перспективу. Наджиб Савирис выразил заинтересованность инвестировать в телекоммуникационную сферу.

Обсуждены возможности сотрудничества с Orascom Telecom Holding в реализации совместных инвестиционных



проектов в IT-сфере, в частности, по созданию центров обработки данных.

По итогам встречи стороны договорились продолжить совместную работу по налаживанию взаимовыгодного инвестиционного сотрудничества.

В программе пребывания гостя также запланированы переговоры в Государственном комитете по инвестициям, Государственном комитете по развитию туризма, Государственном комитете по геологии и минераль-

ным ресурсам.

Добавим, что Orascom Telecom Holding объединяет телекоммуникационные активы и компании мобильных услуг в Великобритании, Пакистане, Египте, Иордании и других странах.

КРУПНАЯ IT-КОМПАНИЯ ИЗ РОССИИ  
ОТКРОЕТ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В ТАШКЕНТЕ

Один из крупнейших российских системных интеграторов "Инфосистемы Джет" открывает в Ташкенте свое официальное представительство с возможностью ведения коммерческой деятельности Jet Infosystems Central Asia.

Заказчиком из Узбекистана будет доступен полный спектр услуг интегратора в сфере построения и поддержки IT-систем различной сложности, а также в области IT-консалтинга и компетенций.

Компания начала оказывать IT-услуги в Узбекистане в 2006 году и за это время реализовала ряд масштабных IT-проектов для крупных организаций республики. В 2018 году количество заявок на самые разные виды IT-услуг со стороны локальных заказчиков выросло более чем в восемь раз, поэтому руководство компании решило открыть официальное представительство интегратора



Jet Infosystems Central Asia.

В целом республика демонстрирует активный интерес к инновационным технологиям и новейшим IT-решениям, а государственная политика в области IT

открывает значительный потенциал роста различных отраслей экономики. Уверен, что накопленный за более чем 25-летнюю историю опыт компании, а также экспертиза наших IT-специалистов

смогут помочь успешно решать самые сложные технологические задачи и будут способствовать цифровой трансформации Узбекистана", — отметил заместитель генерального директора компании, акционер "Инфосистемы Джет" Андрей Самойлов.

"Инфосистемы Джет" работает на IT-рынке более 25 лет, являясь одним из крупнейших российских интеграторов. Компания специализируется на комплексных IT-решениях и услугах, включающих построение ЦОД (центр обработки данных), вычислительных и программных комплексов корпоративного уровня, проектирование и построение сетевой инфраструктуры, мультимедиа-платформ, систем информационной безопасности (ИБ), а также технической поддержке, аутсорсинге и консалтинге в сфере IT. Сейчас интегратор располагает 13 офисами и представительствами на территории РФ и СНГ.

## Обсуждаются

изменения в Положении об Инновационном центре MUIС

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан инициировало обсуждение проекта постановления Кабинета Министров «О внесении изменений и дополнений в Положение об Инновационном центре по поддержке разработки и внедрения информационных технологий «Mirzo Ulugbek Innovation Center».

Документ опубликован на портале СОВАЗ и открыт для комментирования до 25 марта.

Основаниями для внесения изменений и дополнений являются следующие факторы:

— анализ поступающих обращений от резидентов показывает, что большинство из них, помимо предусмотренных видов деятельности, занимаются также смежными, сопутствующими, такими, как реклама в программном обеспечении, электронная коммерция и др.;

— развитие и внедрение во все отрасли экономики информационно-коммуникационных технологий делает актуальным вопрос компьютерной грамотности населения;

— наличие некоторых различий в Положении об Инновационном центре, усложняющих процедуру регистрации и предоставления льгот резидентам.

Проектом предусмотрено:

— включение дополнительного вида деятельности — «Прочие виды образования, не включенные в другие категории» — исключительно в направлении по обучению компьютерной грамотности. Это позволит резидентам расширить спектр своих услуг и при этом использовать предусмотренные льготы;

— Предоставление Инновационному центру полномочий по взаимодействию с юридическим лицом при подаче заявления. Теперь специалисты MUIС могут рекомендовать внесение изменений в документы (например, бизнес-план) в случае их не надлежащего оформления. Данное изменение позволит упорядочить и ускорить процесс рассмотрения заявлений от соискателей статуса резидента;

— Расширение дополнительных видов деятельности, которыми может заниматься резидент Инновационного центра, за счет включения рекламы и электронной коммерции. Пунктом 23 Положения предусмотрено, что резиденты центра имеют право получать доходы от финансовых операций и недвижимости. С учетом просьб резидентов и соискателей и того факта, что реклама на сайтах и электронная коммерция являются сопутствующими видами деятельности при осуществлении основных, предусмотренных пунктом 6 Положения, в проекте предлагается рассмотреть возможность осуществления электронной коммерции и рекламы в программных продуктах. При этом доходы от этих видов деятельности будут облагаться налогами и другими обязательными платежами в общеустановленном порядке.

IUT И GOOGLE ОБСУДИЛИ ВОПРОСЫ  
ПОДГОТОВКИ IT-СПЕЦИАЛИСТОВ

Университет ИНХА в г. Ташкенте (IUT) и корпорация Google обсудили вопросы установления сотрудничества в сфере подготовки IT-специалистов через совместные учебные программы и поддержку стартапов.

Ректор IUT Сарвар Бабаходжаев провел переговоры с руководителем по работе с разработчиками Google в Турции, Кавказе и Центральной Азии Баришом Йесуге-ем.

Бариш Йесугей 11 марта 2018 года посетил Университет ИНХА в г. Ташкенте и принял участие в мероприятии Women Techmakers

2018 International Women's Day Celebration (IWD). Women Techmakers — это бренд Google и глобальная программа для женщин в области высоких технологий. Women Techmakers предоставляет сообщество и ресурсы для стимулирования инноваций и вовлечения женщин.

Бариш Йесугей рассказал о своих планах по развитию сотрудничества с разработчиками из Узбекистана. Он отметил, что его подразделение предоставляет различную помощь разработчикам из региона, включая информацию и техническую поддержку. Основная работа в

этом направлении ведется через так называемые группы Google Developer Groups (GDG).

В ходе встречи стороны обсудили вопросы подготовки специалистов в сфере информационных технологий и вовлечения девушек в IT-сектор, а также поддержки стартапов из Узбекистана через проведение различных ивентов, включая Google I/O, Women Techmakers, DevFest, Google Launchpad Accelerator и т.д.

Стороны договорились продолжить обсуждения возможных направлений сотрудничества между сторонами в рабочем порядке.

# Дурдона ИРГАШЕВА: ТАЛАБАЛАРИМ – МЕНИНГ ГУРУР ВА ИФТИХОРИМ



Мени қувонтирадигани, кўпгина талабаларимиз Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатларда магистратура босқичида ўқиб, PhD бўйича илмий изланишлар олиб боришяпти. Улардан умидимиз катта.

**С**ир эмаски, жаҳонда Ахборот хавфсизлиги АКТнинг энг долзарб нуқтаси сифатида қаралаяпти. Юртимизда ҳам ахборот хавфсизлиги борасида кадрлар тайёрлаш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Бугунги суҳбатимиз орқали, аёл киши бўлишига қарамай, бу мураккаб соҳани танлаган ва соҳада кўплаб илмий ишлар муаллифи — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги факултети декани Дурдона ИРГАШЕВАнинг фикр ва мулоҳазаларини баён этмоқдамиз.

— Ахборот хавфсизлиги йўналишини танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Фаолиятимни бошлаган 2001 йилда ахборот хавфсизлиги юртимизда эндигина ривожланаётган эди. Ҳақиқатда компютер вируси ёки замонавий талқинда "зараркунанда дастурлар" устида олиб борилган илмий изланишларим натижасида 2004 йилда айнан ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ мавзу доирасида аспирантурага ўқишга кирганман ва номзодлик бўйича илмий ишимни бошлаганман. Кейинчалик, 2012 йили фан номзодлиги бўйича диссертациямни ҳимоя қилдим.

Ушбу мураккаб соҳани танлашимда илмий раҳбарларим — профессор Салим Ганиев ҳамда Мажид Каримовлар асосий рол ўйнаган.

— Ахборот хавфсизлиги соҳасида оддий талабадан факултет декани даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтдингиз... Муваффақиятларингиз сирини нимада?

— Ахборот хавфсизлиги соҳасида кўплаб илмий изланишлар олиб борган бўлсам-да, диплом бўйича дастури-муҳандисман. Дастлабки фаолиятимни Тошкент давлат техника университетининг компютер технологиялари факултетиде бошлаб, аспирантурада ахборот хавфсизлиги бўйича таҳсил олганман. Шу соҳага қизиқишим сабаб, ТАТУ "Ахборот хавфсизлиги" кафедрасига ассистент вазифасига ишга кириб, бугунги кунда факултет декани вазифаси менга ишониб топширилган. Муваффақиятларимга сабаб касбимга бўлган меҳр, деб ўйлайман.

— Дурдона опа, сиз саражом-сарошга ояла бекаси, шириндан-шакар фарзандларнинг онасисиз, бунинг устига зиммангизга масъулиятли вазифа юклатилган. Буларнинг барчасини қандай уддालайсиз?

— Оила, болалар тарбияси ва давлат ишларини баравар олиб бориш қийин. Бу борада ҳар бир ишни режа асосида бажаришга одатланганим қўл келяпти. Масалан, ишда ушланиб қоладиган кунларим кечки овқатни барвақт туриб, ярим тайёр қилиб қўяман. Фарзандларим тарбиясида яқинларимнинг кўмаги катта, албатта. Минг шукурки, юртимдаги минглаб бахтли аёлларнинг бириман.

— Бугун кўплаб талабаларга устозсиз. Шогирдларингиз муваффақияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Талабаларим — менинг гурур ва ифтихорим. Ахборот хавфсизлиги бўйича ишлаётган ва катта вазифаларга кўтарилган та-

йиллар давомида тўпланган тажрибангиз маҳсулими?

— Хушмуомалалигим раҳбарлик қобилияти эмас, менимча, ота-онам тарбияси. Улар биз, фарзандларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашган. Қолаверса, қабулига келган ҳар қандай инсоннинг мурожаатини эшитиш ва унга ечим топиш бугунги кундаги ҳар қандай раҳбарнинг асосий вазифаси. Тажрибага келадиган бўлсак, йиллар давомида орттирган тажрибам талабаларим руҳиятини тушунишга ва вазиятга тўғри баҳо беришга ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Ҳаётингизда синовли вазиятлар бўлганда, уларни қандай енгансиз?

— Мен учун мураккаб вазият бу — режалаштирган ишингиз айнан ўша пайтда амалга ошмаслиги ёки режадан қолиб кетишидир. Бунда инсон, албатта, асабийлашади, хафа бўлади ва руҳий тушкунликка тушади. Инсоннинг энг яхши хислати бу вазиятдан чиқа олиши. Ҳаётимда бундай ҳолатлар бўлган, албатта. Мен эса сабр билан енганман. Ҳолатим сабабини таҳлил қилиб, хатоларимни тузатиш ҳаракатига тушганман. Тушкунлик менинг феълимга ёт.

— Яқинда малака ошириш курсларида таҳсил олиб қайтдингиз. Олган билимларингиз асосида факултетда қандай ишларни амалга оширмоқчисиз?

— 2017 йил октябрдан 2018 йилнинг февралгача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат бошқаруви академиясида "Давлат бошқаруви" қайта тайёрлаш курси бўйича малака оширдим. Ҳақиқатда мен давлатимиз иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилувчи маълумотлар орқали билим ва малакамни мустаҳкамлашим, раҳбарларга қўйиладиган талаб, улар бажариши керак бўлган вазифалар ҳақида кенг тушунчага эга бўлдим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши, яъни хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларда белгиланган вазифалар айнан АКТ соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот

ротни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатишга қаратилган вазифалар ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлдим.

Ахборот хавфсизлиги соҳасига ўқишга қабул қилинган талабалар ўқинишнинг дастлабки босқичида ноқ соҳа корхоналари билан боғланиб, улар талаби бўйича кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоғи лозим. Бунда республика миқёсида ахборот хавфсизлиги бўйича кадрларни кузатиш ва уларни таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, айнан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги талабаларни таҳлил қилиб, уларни такомиллаштириб бориш ҳам жуда муҳим. Зеро, АКТ ривожлангани сайин хавфсизликни таъминлаш долзарб бўлиб бораверади.

Талабаларимиз олаётган билимларини иложи борича амалиётга боғлашга ҳаракат қиламиз. Лекин, афсуски, бунинг ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди. Шунга қарамастан, изланаётган, ҳақиқатда ҳаракат қилаётган талабаларимизни кўплаб-қувватлаш мақсадида ҳеч бўлмаганда, кафедраларимиз қўшида илмий-ўқув лабораторияларини ёки қўшимча дарслар ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Чунки факултет ҳамда кафедраларнинг асосий мақсад ва вазифаси ҳам соҳага етук кадрлар етиштириб бериш ҳисобланади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

ТАТУ талабаси  
Гулноза ТУРОВОВА  
суҳбатланди

**Талабаларимиз олаётган билимларини иложи борича амалиётга боғлашга ҳаракат қиламиз. Лекин, афсуски, бунинг ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди.**

лабаларимиз ҳам бор. Мени қувонтирадигани, кўпгина талабаларимиз Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатларда магистратура босқичида ўқиб, PhD бўйича илмий изланишлар олиб боришяпти. Улардан умидимиз катта.

— Қабулингизга кирган инсонни доимо очик чехра ва самимиёт билан қарши оласиз, тушунишга ҳаракат қиласиз. Бу сизнинг табиатингизда борми ёки

# “ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини  
яқинлашаётган*

## Наврўз байрами

*билан чин дилдан  
муборакбод этади.*



*Такрорланмас, гўзал бу айёмда  
барчага бахту саодат, эзгулик  
ёр бўлишини тилаймиз!*

# “Ўзбектелеком” АК “ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ”

**филиали жамоаси**



*Ўзбекистон*

*халқини*

*барҳор айёми —*

*Наврўз*

*бийсан*

*табриксайди.*

# “UNISON.UZ” ДУК

**жамоаси**

*Қадрли ватандошларимизни  
яшариш ва эзгулик айёми —*

## Наврўз

*билан қутлайди.*



*Эзгулик зиёси  
хонадонингизни ёритиб,  
қалбингизни доимо нурафшон этиб  
туришига тилакдошмиз!*

# “Ўзбекистон почтаси” АЖ Навоий филиали жамоаси

*Ўзбекистон халқини  
яқинлашаётган*

## Наврўз байрами билан табриклайди.

*Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
фаровонлик ва шодлик тилаймиз.*





Қадрли ҳамкасблар!  
Баҳор тантанаси —

Наврўзи олам  
билан барчангизни  
табриклаймиз!



“Ўзбектелеком” АҚ

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ  
ТРАНСПОРТ-ТАРМОҒИ”**

филиали жамоаси

**Азиз ватандошлар!**

**Наврўзингиз  
муборак бўлсин!**

**Баҳорий кайфият  
сизни ҳеч қачон  
тарк этмасин.**



“Ўзбекистон почтаси” АЖ

**Сирдарё филиали**


жамоаси

**“ЎзАлоқаКонсалтинг” МЧЖ  
жамоаси**

Юртдошларимизни  
уйғониш ва яшариш,  
ғўзаллик ҳамда нафосат,  
саховат ва мурувват рамзи —

*Наврўз*

билан муборакбод этади.



Серкуёш ўлкамизнинг  
кўп миллатли халқини  
кириб келаётган

*Наврўз айёми*

билан самимий кутлаймиз!



“Ўзбекистон почтаси” АЖ

**“Тошкент почтаменти”**

филиали жамоаси



# НЕГА "ЗАРАРЛИ ИШ" ДАГИЛАРГА СУТ БЕРИШГАН?

Кимларнинг назарида сут — каттаю кичик учун фойдали, яна бир тонфа инсонлар эса уни фақат болаларга бериш мумкин деб ҳисоблашади. Хўш, сут чиндан ҳам фойдалими?



**ФАКТ**

Agro.uz (Кишлоқ ҳўжалиги вазирилик сайти)дан олинган маълумотга кўра, 2017 йили Ўзбекистонда 10 млн. 83 минг тонна сут етиштирилган. Бу жон бошига ҳисоблаганда, йилига 320 килограммдан тўғри келади. Stat.uz (Давлат статистика қўмитаси) маълумотига кўра эса, 2016 йили Ўзбекистонда йилига жон бошига сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 279,6 килограммни ташкил этган.

- Солиштирилмаган бўлса (йиллик аҳоли жон бошига сут истеъмоли\*):
- Германияда — 349 кг.
  - АҚШда — 269 кг.
  - Россияда — 140 кг.
  - Ҳиндистонда — 131 кг.
  - Хитойда — 31 кг.
  - Дунёда ўртача кўрсаткич — 111,3 кг.

\*Халқаро сут федерацияси (IDF)нинг 2015 йилги маълумотлари.

**ОҚСИЛЛАР ВА КАЛЦИЙ**

Сут таркибидаги оқсил организм томонидан яхши ўзлаштирилади, у иммунитетни мустаҳкамлайди, қон ҳосил бўлиш жараёнини яхшилади, мушакларни ўстиришда ёрлами катта. Сут оқсими спорт озиқлари тайёрлашда ишлатиладиган протеиндан асло қолишмаслиги тадқиқотларда аниқланган. Шунинг учун ҳам тренажёрдаги машқлардан олдин ичилган бир стакан сут мушаклар массасини оширишда махсус протеинли коктейллар билан бир хил кучга эга. Барча сут маҳсулотлари — калций манбаи. Айниқса, пишлоқ калцийга бой, бироқ пишлоқда ёғ ҳам кўплиги инobatга олинса, кимда-ким ортиқча вази ёки қандли диабетдан азият чекаётган бўлса, сут ёки қатқини танлагани маъқул. Энг асосийси, сут таркибидаги калций органик шаклда (калций лактати) бўлгани учун, бу микроэлемент организм томонидан нисбатан тўлиқроқ ўзлаштирилади.

**ЗАҲАРЛАРГА ҚАРШИ ВОСИТА**

Саломатлик учун зарарли ишларда фаолият кўрсатадиган ходимларга нега сут беришган? Гап шундаки, сут организмдаги оғир металлар тузаларини чиқариб юбориб, радиологик юкни камайтиради. Масалан, рентгенга суратга тушгандан кейин бир стакан сут ичиб юборган маъқул. Катта шаҳарлар ёки экологияси ёмон ҳудудларда яшовчилар учун ҳам сут маҳсулотлари жуда фойдали. Бироқ овқатдан заҳарланишни сут билан даволашга уриниш ярамайди — бу ҳолатда у фақат зарар келтиради.

**Б**ир киши учун ир кунга етарли **80%** калций уч порция сут маҳсулотида мавжуд.

**КАТТАЛАРГА ВА БОЛАЛАРГА**

Сут таркибидаги қанд моддаси (лактоза) бўлиниши учун лактаза ферменти зарур. Ёш ўтиши билан организм бу ферментни ишлаб чиқара олмай қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда истеъмо қилинган сут ошқозонда зўриқиш, диарея каби ҳолатларга сабаб бўлади. Аммо бу ҳолат сайёраимиздаги инсонларнинг тенг ярмида кузатилади. Агар сиз бу тонфага мансуб бўлмасангиз, ёшингиз қатъи назар бемалол сут ичсангиз бўлади.

**ЁҒЛИМИ — ЁҒСИЗ?**

Ҳатто ортиқча вази сизни безовта қилган тақдирда ҳам, ёғсизлантирилган сут ичмаганингиз маъқул. Негаки, сут таркибидаги А ва D витаминлари ёғлар билан бирга яхши ўзлашади. Бундан ташқари, сут таркибидаги ёғлар бошқа ёғларга нисбатан тез ҳазм бўлади, шундай экан, сут ичиб семириб кетаман деган ҳавотирга борманг.

**ЭЧКИ СУТИ**

Витаминларга бойлиги жиҳатидан эчки сути сизнинг сути билан деярли бир хил. Эчки сутининг битта афзаллиги бор — организм осон ўзлаштирилади, шу босис овқат ҳазм қилишда муаммоси бор кишилар ҳам уни кўрқмасдан ичишса бўлади.

**КРОССВОРД**

**ЭНИГА:** 10. Фаройиб. 11. Россия шимоли-ғарбидаги қўл. 12. Қадимги юнон қўзаси. 13. Қуш. 14. Ўзбек сериали. 15. Француз футбол клуби. 16. Мумтоз шеърят жанри. 18. Ёввойи тоғ кўйи. 20. Шимол ити. 22. Табиат ҳодисаси. 24. Румол. 25. Мамлакатимиздаги туман. 26. Моторли қайиқ. 27. Украинадаги дарё. 28. Италия астрономи. 30. Тарих. 37. Индонезияга қарашли орол. 38. Организмнинг ҳимояланувчанлиги. 39. Балиқ шўрва. 42. Билард тури. 43. Циркда масхараболларнинг чиқиши. 44. Австралияда яшовчи жонивор.

**БЎЙИГА:** 1. Африка жанубидаги давлат. 2. Биринчи шахе, кўплик. 3. Тикувчи қуроли. 4. Зарбли соз. 5. Тюленларга мансуб ҳайвон. 6. Кондитерлик маҳсулоти. 7. Бошни ҳимояловчи кийим. 8. Бошқирдистон марказий шаҳри. 9. Балиқ тури. 17. Муסיқий соз. 19. Голланд рассоми. 21. Қўшиқ. 23. Ўзбек-япон автоси. 29. Спортда "ўч олиними". 31. Корхона. 32. Бир қатор шеър. 33. Эскимослар қайиғи. 34. Пиреней тоғи. 35. Спортчи. 36. Боксчи Аббос ... 40. Биродар. 41. ...-адир.

**СУРАТ — БОШҚОТИРМА**

**ДУРАДГОРЛАР**

Қачонлардир дурадгорлар уюшмаси БУНГА эришди ва БУ уларнинг иш кийимида аксини топган.

БУни тўрт тўрт сўз билан ифодаланг.


(Жавоби келгуси сонда.)



**Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби**

**УСТИНОВНИНГ УЧИНЧИ ЖАВОБИ**

"Қиролича қаршисида тиз чўка оласими ё йўқми?" Учинчи жавоб варианти йўқлигига шама қилган кекса актёр Питер Устинов тиз чўкишга тайёрлигини, аммо бировнинг ёрдамсиз қаддини ростлай олмамлигини билдирган.



## ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАШИМИЗ КЕРАК

Давид БЎРОНОВ,

Навоий кончилик насб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Коллежнинг 2-босқичида таҳсил оламан. Интернет доимий ҳамроҳим. Узоқ қариндошлар ва дўстлар билан ёзишиш, гаплашишга имкониятнинг тезкорлиги, кутубхонага бормасдан туриб, сеvimли китобимни ўқишга имконият берганлиги, видео машғулотлар, масофада туриб онлайн дарсларда иштирок этиш — буларнинг барчаси биз ёшлар учун замонавий ва қулай албатта. Баъзан уй вазибаларимни тайёрлаш учун интернет-марказга боришимга тўғри келади. У ерда айрим тенгдошларимни кўриб қоламан. Улар орасида турли ўйинлар, расмлар, машҳурлар ҳаёти ва киноларни томоша қилиб ўтирганлар ҳам бор. Мактаб ёшидаги ўқувчилар эса асосан бирор мавзу бўйича ёзувчи ва шоирнинг ҳаёти, табиат ва бошқа фанлар бўйича реферат излаб кириб қолишади. Тайёр рефератларни сотиб олиб баҳо олишади. Мен бунга мутлақо қаршиман, чунки ўқувчи ўзи изланиб, топиб, рефератга ижодий ёндашиб ёзса, шунда мавзу ҳам ёдида қолади, ҳам ҳақиқий баҳо олади. Ёшликдан тўғри йўлни танласак, ҳаётда ҳеч қачон қоқилмаймиз.

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ИНТЕРНЕТДА ЎРГАНДИМ

Нилуфар АБДУҒАНИЕВА,

Сергели туманидаги 6-мактаб ўқувчиси:


— Ҳозирча ҳаётимда интернетнинг ёмон томонини кўрмадим. Аксинча, мактабдаги уйга вазибаларимни интернет ёрдамида тайёрлайман, ундан жуда самарали фойдаланаман. Инглиз тилини ҳам интернет орқали ўрганганман. Дарсдан бўш вақтимда интернетдан мустақил равишда хитой тилидаги 300та сўзни ўрганиб олдим. Ҳозир ана шу тилни ўргатадиган ўқув курсига қатнайман, ўқитувчим билан бемалол хитой тилида гаплаша оламан. Келажақда Конфуций таълимотини ўзбек ёки рус тилида эмас, хитой тилида ўрганиш ниятим бор. Интернетдан фойдаланиб, дунёдаги барча воқеа ва янгиликлардан хабардорман. Баъзиларга ўхшаб, маъно-манتيқсиз чет эл сериалларини кўришдан кўра, интернетдан китоб ўқишни афзал кўраман.

Интернетнинг чексиз имкониятлари, ундан олинган яхши сабоқлар кундан-кунга кўпайиши аниқ. Ахборот асрининг ахборот маконидан муносиб ўрин топиш учун албатта замон билан ҳамнафас бўлмоқ шарт!

Маруса ҲОСИЛОВА  
ёзиб олди

### ▶ ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА

## КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



тосуратлардан нусха олиш мумкин. Сканининг ичига нимани жойласангиз, унинг электрон суратини олади ва сиз уни компютерда кўрасиз ва фойдалана оласиз.

Ҳам принтер, ҳам сканер (бунда олиннадиган нусхани биратўла қоғозга чиқариш ёки компютерга кўчириб олиш мумкин) функцияли қурилмалар ҳам бор.

вир бунга имкон беради. Веб-камералар микрофони ва микрофонсиз бўлади. Микрофон ҳар икки томон бир-бирини эшитиши учун керак.

дан кўп мартабалаб фойдаланиш мумкин. Сақланган ахборот: филмлар, мусиқа, ҳужжатлар, суратлар, катта ҳажмдаги ахборотни, масалан, бир уй китобга сиқадиган маълумотни бармоқ катталигидаги флэшкада олиб юриш мумкин. Уни истаган компютерга улаб керакли маълумотларидан фойдалана оласиз. Хуллас, ҳар бир компютер фойдаланувчиси учун жуда керакли буюм.


### 5-ДАРС. Компютерга қўшимча қурилмалар



**1**  
**Принтер (1).** Компютердаги матн, фотосуратларни қоғозга чиқаришда ишлатилади. Оқ-қора, рангли, оддий қоғоз ва фотоқоғозга чиқариладиган турларга бўлинади. Принтерни ишлатиш учун картриж (сиёҳдон) ва қоғоз керак бўлади.




**2**  
**Сканер (2).** График маълумотни компютерга киритиш имконини беради. Масалан, қоғоз ҳужжатлардан ёки эски фо-




**3**  
**Модем (3).** Компютерингизни уй телефони сими орқали интернетга улдовчи мослама. Маълумотлар узатиш ва қабул қилиш телефон тармоғи орқали бўлади.

Ҳозирги технологиялар интернетга бевосита мобил телефоннинг ўзидан кириш имконини беради. Бундан ташқари, интернетта компютерда киришда ҳам ана шу мобил телефонлардан модем сифатида фойдаланилса бўлади. Фақат бунда маълумотлар олиш ва узатиш мобил алоқа тармоқлари орқали бўлади.



**4**  
**Веб-камера (4).** Агар сизда веб-камера бўлмаса (у ҳамма ноутбукларда бўлади), сиз уни сотиб олиб ўрнатсангиз бўлади. Унинг вазибаси том маънода икки суҳбатдошни юзма-юз қилишди: видеотас-



**5**  
**Акустик тизим (5).** Компютердан чиққан овозни бу тизим ёки наушниклар бўлмаса эшитмаймиз. Айрим компютерларнинг ўзида колонкалар ўрнатилган бўлади (масалан, ноутбукларда). Уларнинг ёрдамида видеомулоқот чоғи суҳбатдошингизнинг овозини эшитишингиз, мусиқа тинглаб, кинофилмлар томоша қилишингиз мумкин.



**6**  
**Флеш-сақлагичлар (6).** Буларни оддий тилда флэшка деймиз, ахборотни сақлаш учун мўлжалланган бу қурилмалар-



**7**  
**Ташқи қаттиқ диск (7).** Бу кўпроқ профессионаллар учун мўлжалланган, таъбир жоиз бўлса "катта флэшка" дейиш мумкин. Сигими ҳам оддий флэшканикидан 20-100 барабар катта.



(Давоми. Бошланиши газетанинг 7, 8, 9 ва 10-сонларида.)

Сабоқларимизни кўзатиб боринг! 6-дарсимиздан файллар ва папкалар яратишни ўрганишга киришамиз.



## ВОҚЕА

## Астроном-фотограф

Яқинда Falcon Heavy ракета-ташувчиси Элон Маск компаниясининг Tesla Roadster автомобилни очiq фазога олиб чиққан эди. Орадан кўп ўтмай чехиялик бир астроном бу автомобил вазнсизлик шароитида қандай ҳаракатланаётганини кузатди ва уни суратга туширди.

Албатта, олимнинг тиришқоқлиги SpaceX компания этиборидан четда қолмади ва уни шахсан Элон Маск тақдирлади.

Мукофот қиймати қанчалиги ошқор қилинмаган.

## ЯНГИ ЕЧИМ

## Deer Voice исталган овозни сонияларда ўхшатиб беради

Хитой интернет-қидирув тизими — Baidu мутахассислари arXiv серверига жойланган мақолада матнни овозга айлантириб берувчи Deer Voice иловасини янада такомиллаштиришганини билдиришди. Илгари бу ишга илова ярим соатдан кўп вақт сарфларди, энди сунъий нейротармоқ ёрдамида бир овозни иккинчисига ўзгаришири бир дақиқага қолмай уддаламоқда.

Технология рақамли ёрдамчиларга йўналтирилган, уларнинг овозини ҳақиқий одамларниқидан ажратиб бўлмади.

Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор — полиция сўроқлари, сиёсатчилар ёки террорчиларнинг телефондаги сўхбатлари ёзувлари, агарда истаган одам уларни ўз смартфонда бажара оладиган бўлса, ўз кучини йўқотиши мумкин.

Ҳар бири беш сониядан бўлган 100та сэмпл (кичик рақамли аудиоёзув)да ўрганган Deer Voice тест синовларида овозни аниқловчи дастурни 95 фоиз ҳолда доғда қолдирди, имтиҳонни ўтказувчи мутахассислар эса унга 4 имкониятдан 3,16 балл қўйишди.

Bai du 百度

Deer Voice тест синовларида овозни аниқловчи дастурни 95 фоиз ҳолда доғда қолдирди, имтиҳонни ўтказувчи мутахассислар эса унга 4 имкониятдан 3,16 балл қўйишди.

## ВИДЕОБОЗОР

## Жаҳон бозори кўлами

## 70 млрд. долларга кўтарилди

Ўтган йили онлайн сервислар, медиа маҳсулотлар (DVD, Blu-ray) ва рекламани ўз ичига олган халқаро видеобозор 70,2 млрд. доллар даромад олди. Таҳлилчилар бу кўрсаткич 2021 йилга бориб 106,5 млрд. долларга етишини ҳисоблаб чиқишди.

Турли VOD-сервисларга талаб 2017 йили 0,33 ҳиссага кўпайган. 2021 йилда “Буюртма бўйича видео”дан хизмат кўрсатувчилар қарийб 50 млрд. доллар даромад олиши кутилмоқда.

Видеобозорга даромаднинг 38 фоизини ўтган йили реклама келтирган.

DVD ва Blu-ray ўрнини йўқотаяпти — 2010 йили улар видеобозорнинг 76 фоиз даромадини таъминлаганди, 2017 йилда эса улуши 16 фоизга ҳам етмади.

## МОБИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## Глобал харажатлар 1,6 трлн. доллардан ошади

IDC компанияси маълумотларига кўра, 2018 йилда мобил технологиялар билан боғлиқ аппарат, дастурий таъминот ва сервислар учун глобал харажатлар ўтган йилга нисбатан 2,3 фоизга ошади. Бу бозор кўлами 1,6 трлн. долларга етишини аниқлатади.

Мобиллик учун харажатлар ошиши тилга олинган ҳар уч соҳада мобил ечимларнинг янги қўллamlари пайдо бўлиши ва уларнинг корпоратив секторга фаол жалб этилиши билан изоҳланади.



## СИЁСАТ

## Киберхавфлар — бизнес учун таҳдидлар рейтингини етакчилари сафида

PwC дунёнинг 1300та энг йирик компанияси раҳбарлари ўртасида сўровнома ўтказди: “Сизнинг бизнесингиз учун энг катта таҳдид нима?”

Аввало айтиш керакки, кибертаҳдидлар 2017 йили ана шундай сўровномада бешинчи погондан жой олганди. Энди-чи?

Жаҳон иқтисодиётидаги ижобий тенденцияларга қарамай, тадбиркорлар кўп омиллардан безовта. Терроризм (41 фоиз), геосиёсий нобарқарорлик (40 фоиз), киберхавфлар (40 фоиз), малакали кадрлар етишмовчилиги (38 фоиз) ва популизм (35 фоиз) уларни энг кўп хавотирга солаётган муаммолар саналаркан (Популизм — ўткир ижтимоий муаммоларни осон ҳал қилишга ваъда бериб кенг омманинг ишончини суиистеъмол қилишга қаратилган сиёсий ўйинлар).



моларни осон ҳал қилишга ваъда бериб кенг омманинг ишончини суиистеъмол қилишга қаратилган сиёсий ўйинлар).

## ГЛОБАЛИЗАЦИЯ

## Интернет асосчиси нега ранжиди?

Интернет асосчиларидан бири, британиялик олим Тим Бернерс-Ли замонавий интернетнинг аҳволдан ташвишда. Унинг фикрича, тармоқда монопол компаниялар кўпайиб кетган.

Масалан, Facebook ва Google. Улар рақобатни синдиришда, шу боис глобал тармоқ ривожланиши турғун ҳолатга тушиб қолган. Бу компаниялар энг зўр мутахассисларни ёллаб олиб, уларни ўз ғоялари йўлида ишлатишяпти. Бернерс-Лининг тахминича, бу туришда яқин 20 йилда интернет ривожланишига умид қилмасак ҳам бўлади.

Олим интернет ахборот қуролига айланиб бораётганидан ҳам ранжиган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ЮНИСЕФ:

## уч йил ичида Сурияда 2500 бола ҳалок бўлди

БМТ Болалар жамғармаси ҳисоботида кўра, ўлган болалар сони бунадан-да кўп бўлиши мумкин, чунки 2016 йилнинг ўзидаёқ 652 нафар бола Суриядаги уруш қурбонлигига айланган. Ҳужжатда ёзилишича, ҳозирги кунда Суриядаги 10 миллион боладан қарийб 8,6 миллиони тез ёрдамга муҳтож. 2,5 миллионга яқин болалар таълим олиш имкониятидан маҳрумдир. 3,3 миллион бола эса миналар қурбонига айланиши мумкин.



## Эквадор нефт ва газ конларини сота бошлади

Эквадор хоржий компаниялар учун тўртта нефт ва битта газ конини сотувга қўйди, бу 800 млн. доллар миқдорда сармояларни жалб этиш учун амалга оширилган.

Баёнотда Амазониядаги “Гуйабено Сансауари”, “Осо”, “Юрала”, “Вланка Винига” ва “Амистад” лойиҳалари ҳақида сўз юритилади. Сервис шартномалари ўн йилга имзолашни режалаштирилган. Шартномалар бўйича тўловлар жаҳон нефт нархларига боғланган бўлади.

## Саудия Арабистони миллий ядровий дастурини қабул қилди

Саудия Арабистони ҳукумати атом энергетикаси соҳасидаги миллий дастурни маъқуллади. Бу дастур “бутун ядровий фаолият халқаро келишувлар билан белгиланган тинчлик мақсадларига хизмат қилишини” кўзда тутди. Бундан ташқари, ҳужжатга кўра, Саудия Арабистони атом соҳасида очiq-ойдинлик тамойилига ҳамда ядровий хавфсизлик стандартларига мустақил регулятор талабларига мос равишда риоя қилмоқчи. Қироллик, шунингдек, радиоактив чиқиндиларни утилизация қилиш масаласини ҳал этишда энг юқори стандартларга амал қилишни ўз зиммасига олган.

## Яна бир собиқ президент коррупцияда айбланмоқда

Жанубий Кореяни 2008-2013 йиллар давомида бошқарган собиқ президент Ли Мён Бах коррупцияда айбланмоқда.



“Рёнхан” ахборот агентлиги маълумотларига кўра, у жиний тафтиш иштирокчисига айланган Жанубий Кореянинг 5-президенти бўлди. Шу тариқа Жанубий Кореянинг аввалги 7 президентидан фахатгина икки нафарига жиний айбловлар қўйилмаган.



## Меркел хонимнинг тўртинчи ғалабаси

Германияда Ангела Меркел тўртинчи марта канцлер этиб сайланди. Zeit Online нашрининг таъкидлашича, Бундестаг депутатларидан 364 нафари унинг номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берган. Бу аввалги сайловлардан 35 овозга камроқ экани таъкидланяпти. Шу билан бирга, 315 киши қарши овоз берди, ўн депутат бетараф қолди.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

# КУТУБХОНАНИ КИМ ҚУТҚАРАДИ?

Элмира Добрава вилоятда кўзга кўринган библиограф, қирқ йиллик стажга эга кутубхоначи бўлиб танилган. Кўпдан буён у ҳақда ёзиш, тажрибасини ёритиш иштиёқда юрардим. Яқинда унинг ўзи кўнгироқ қилиб қолди. Овозидан қаттиқ ташвишда эканлиги, ичидан эзилаётгани сезилиб турарди. Ташвиш-хавотири бежиз эмас экан. Яхшиси, унинг изтиробларини қандай ҳикоя қилган бўлса, шундай эътиборингизга ҳавола эга қолай:

— “МДМ” хусусий корхонаси ўзларига ажратилган Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига қарашли бинони буздиршаётган кунларда, аниқроғи, 5 феврал куни шу корхона раҳбари Файзулло Юлдашев ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмай, зудлик билан кўчишимиз зарурлигини билдирди. Ўш ҳам дарҳол бу ҳақда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одил Умаровга ёзма равишда мурожаат қилдик. Хеч қандай жавоб бўлмади.

Агар кутубхонамиз биноси ҳам шу корхонага берилса, бу корхона Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига қарашли бешинчи бинога ҳам эгалик ҳуқуқини қўлга киритган бўлади. Шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 123, 124-қарорларида қулоқ-томоқ касалликлари (лор) бўлими собиқ биноси хусусий корхонага фойдаланиш учун берилётганлиги баён этилган бўлиб, мазкур ҳужжатда бизнинг илмий-тиббий кутубхона ҳақида ҳеч гап йўқ. Хуллас, ҳозирги вазиятдан англашиладики, 800 кв.м жойдаги илмий-тиббий кутубхона йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Кутубхона директори сифатида мен ҳеч қандай ҳужжат билан, яъни бошқа жойга кўчириш, фалон бино ажратилгани билан таништирилмадим. Дилни оғри타диган муносабатлар бошланганига анча бўлган. 2002 йилдан буён уч марта кўчирилдик. Энди бўлса мутлақо бизни кўриб кўрмасликка, библи билмасликка олишмоқда.

Ўрни келганда айтишим жоиз, бу ҳудуддаги атроф-муҳитни ифлослантирувчи заводлар шаҳардан четга чиқарилди. Бироқ, ажабо, рентгенологик



аппарат ишлаб чиқариш корхонаси эсон-омон қолаверди. Одамларнинг ҳаммаси ҳам бу нима эканлигини билавермайди. Бинобарин, бу ҳудудда вилоят ҳокимлиги, Ислоом Каримов номидаги санъат саройи, иккита мактаб, “Мурувват” мактаб-интернати, “Сув спорти” саройи, тураржой бинолари ва шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали бор-ку! Лекин минг-минг таассуфлар бўлсинким, Президентимиз кутубхонага, китоб мутолааси, китобхонлик маданиятини оширишга, яъники маънавиятни юксалтиришга давлат даражасида аҳамият бераётганда бизнинг кутубхонамизга ортиқча бошогриқдай қаралмоқда.

Ёнгинамизда фойдаланилмай келаётган иккита парник ўрнида 2 ёки 3 қаватли кутубхона қурилса, учинчи қаватида вилоят тиббиёти тарихи музейини ташкил этсак, тасаввур этинг, қанчалар улуг иш бўларди. Бу ҳам бир орзу-да. Орзуга эса айб йўқ, дейдилар. Индамай, менга нима, нима бўлса шу бўлар, деб юрaverишга виждонимиз йўл қўймапти.

Халқимиз ноёб, бебаҳо бойлик — китобларга тўла кутубхонасидан жудо бўлмаслиги керак. Додимиз битилган хатларга Фарғона вилоят ҳокими, Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика илмий-тиббий кутубхона директоридан жавоб кутавериб чарчадик. Сўнгги умидимиз тўртинчи ҳокимиятдан. Оҳимиз журналистлар орқали Президентимиз-

га етиб боришига, муаммо қисқа фурсатларда ҳал этилишига ишонамиз.

Энди мазкур кутубхона ҳақида қисқача: аввало шунинг таъкидлашим керакки, директорнинг ғайрати, фидойилиги натижаси — йиғилган архив ҳужжатларининг кўплиги ва рангбаранглигини кўриб лол қолдим. Тиббиёт фани, соғлиқни сақлаш тизимининг тарихига, ҳужжатларига бу даражада қизиқиш, уларни беҳад қадрлаш ҳаманинг ҳам қўлидан келавермайди. Буларнинг ҳаммаси ким учун, нима учун? Албатта, элу рўт манфаатлари учун-да.

Бундан ташқари, шунинг ҳам айтиш керакки, кутубхона жамоаси соғлиқни сақлаш тизими изланувчан шифокорларига яқин кўмакчи. Зарур ҳолларда сўралган китобларни, янги эълон қилинган фармонларни, ҳужжатларни шифокорларга олиб бориб, фойдаланиб бўлишгач, қайтариб олиб келилади. “Нима қипти. Бу бизнинг бурчимиз” дейишди улар. Шифокорлар сулоаларидан иборат оилавий китобхонлар, айнақчи, кўпчиликни ташкил этади. Кутубхона соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот ресурсларини яратиши билан, шаҳар ва туманлардаги тиббиёт кутубхоналарига методик ёрдам бериши билан ҳам ўз ўрни, нуфузига эга. Бу илм масканининг шифокорлар учун, демакки, вилоят аҳолиси учун нақадар муҳимлиги исбот та-

лаб қилмайдиган ҳақиқат. Энди яна ҳайратланарлисиз — кутубхонанинг ёши 127да!

Тиббиёт кутубхонаси 1891 йилда вилоят тиббиёт жамағати томонидан ташкил этилиб, шифокорлар ўз ёнларидан китоб сотиб олиб, кутубхонани бойитиб боришган. Ушбу жамияти аъзолари бўлган шифокорлар шахсий кутубхонасидаги китобларни ҳам ушбу кутубхонага васият қилганлар. Ташқаридан ярим айрона кўринишидаги кутубхонага келганимда Элмира Ибрагимовна ана шу китобларнинг бир нечасини авайлабгина олиб кўрсатди.

“Кутубхонамизга. Китобларим ёш шифокорлар илму тажрибасини юксалтиришга, беморларга шифо бахш этнишга, фаол ҳаётга қайтаришга бел боғлаганларга” каби дил сўзларини ёзиб қолдирганлар. 1891 йилдан бошлаб, Иккинчи жаҳон уруши даврида Москвадан Фарғонага эвакуация қилинган стоматология институтида хизмат қилган шифокор Муҳаммад Алиев, бош шифокор Смирнов сингари жуда кўп шифокорлар ҳақида маълумотлар катта-катта жилдларга жойланган.

Айни кунларда кутубхонада 35283 ахборот манбан, 76000 китоб фонди, 3000та журнал, 85655 картотека мажмуи. Бир асрдан зиёд даврдан буён шифокорлар билимларини оширишга ва мустақамлашга хизмат қилиб келаётган кутубхона хазинасини — тиббиёт соҳасидаги маданий меросни асраб-авайлаш ўрнига кутубхонага бу зайл муносабат кишини ранжитади. Фарғоналик шифокорлар ўзлари бунёд этган кутубхонадан айрилсалар бу маънавий йўқотишнинг зарарини ҳисоблаб охирига етолмасми? Нафақат водий, балки республика тиббиёт кутубхоналари ўртасидаги алоқаларнинг узилиб кетишининг оқибатларини-чи, қайси рақамларга жойлай оламиз?!

Халқимиз ноёб, бебаҳо бойлик — китобларга тўла кутубхонасидан жудо бўлмаслиги керак.

Республикаимизнинг барча шаҳарларию қишлоқлари аҳолиси диққатига!

## Сиз АКТ хизматларидан розимисиз?

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси хизматларидан фойдаланишда қандай муаммо ва қамчиликларга дуч келисиз?

Сиз истиқомат қилиб турган манзилда почта, телефон, мобил алоқа, интернет тармоқлари қандай ишламоқда? Работоспособность шифттиришлари ва кўрсатувларининг узатилиш сифати-чи?

АКТ тизимига виртуел соҳаларнинг муносабаси, хизмат кўрсатиш маданиятига эътирозингиз йўқми? АКТ тизимларининг жойлардаги хизматини янада яхшилаш билан боғлиқ қандай таклиф ва истақларингиз бор?

Шунлар ҳақида таҳририятимизга ёзма равишда, телефон орқали, факс ёки электрон почта воситасида хабар беришингизни сўраймиз.

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 291-43-92, 291-43-28. Факс: 291-43-70. Электрон почта: gazetaxabar@gmail.uz Хат ва хабарларингизни кутамиз!



Унутманг, сизнинг таклиф ва мулоҳазаларингиз муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга ёрдам бериш билан бирга жойларда АКТ ривожига ҳам таъсир қилиши мумкин.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хавар”нинг Фарғона  
вилоятидаги муҳбири

(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

Соат ўн бештакам учларда биз аҳмоқона режамиз қотиллик билан яқунланиши мумкинлигини ҳам ўйлаб ўтирмасдан Мелнинг автомобилга ўтирдик.

— Ишқилиб, гримчи полицияни бу ерга олиб келсаю улар ертўлани ижарага олган одам кимлигини суриштиришса бизни топиб олишмайдами? — сўради Мел.

Чарлз одатига кўра илжаймоқчи бўлди, бироқ Фастнинг маслаҳати ёдига тушиб ўзини тийди. Аммо унинг кўзларида киноя акс этди.

— Умуман олганда, омонбон ижарага олинмаган, машинада айланиб юриб, шу ерни кўзлаб кўйгандим.

Талончилик учун мўлжаллаган машинамизни Хоуп кўчасида топдик — бу ойналари очиқ ҳолда турган седан эди. Мел соатига кўз ташлаб, ихтиёримизда яна икки соат борлигини маълум қилди.

— Балки қолган вақтни банк билан танишишга сарфлармиз?

Менинг бу ташаббусим шу ондаёқ маъқулланди. Бир оздан кейин биз банк биноси ичида турардик.

Мен деворга ёпиштирилган турли эълонларни ўқишга тутиндим. Аслида эса бутун диққат-эътиборим сейф томон олиб борадиган эшикка эди. Банкда ишлайдиган қизлардан бири ўтирган ўрнидан туриб ёнимга келди ва ўз ёрдамини таклиф қилди.

— Мен дўстимни кутяпман, — минғирадим охириги сўзимни ичимга ютганча. Унинг нигоҳи худди қиёфамни суратга олаётгандек таассурот қолдирди.

Биз машинага қайтганимизда Мел ўзини ўриндиққа ташлади ва тўнғиллади:



(Детектив)

— Ўн долларимни майдалаб берган пешойна ортидаги қиз кўзлари билан мени тешиб юборай деди!

Чарлз унга истеҳзоли қаради:

— Сенга шундай туюлгандир. Биз банкка кираётганимизда залда юрган дўмбоқина кишини кўрдингларми?

— Кулранг костюмими? — деди Мел.

— Ҳа, ҳа. У банк президенти бўлади. У менга диққат билан қаради, аммо кимлигини сезмади. Демак, бу гримимизнинг нақадар юксак даражада тайёрланганидан далолат беради!

Қолган бир ярим соатни операциямизнинг майда-чуйда тафсилотларини муҳокама қилиш билан ўтказдик. Йигирматакам олтида Чарлз моторни ўт олтирдик, бештакам олтида эса машинамиз кимсасиз торкўчалардан бирида турарди. Машинадан тушиб, трансформаторни нишонга олдим ва иккита ўқ билан бутун квартални, жумладан, банк биносини ҳам электр билан таъминлайдиган симларни узиб ташладим. Иккитакам олтида орқа эшикдан

Ричард ДЕМИНГ

ланган ҳолда туришарди.

— Жанговар тайёргарлик билан келибсан-да, Зип? — деди барзангилардан бири менга қараб.

Қолган “мижозлар” ҳам бизни ўраб олишаётганини алам билан кузатарканман, биз тўғри Федерал қидирув бюросининг каттагина гуруҳи қўлига тушганимизни тушундим.

— Салом, Ред, — деди яна бирови Мелга қараб. — О-о, эски танишимиз Гофер Стейси ҳам шу ерда ку! Сизларни банкка купакундуз кунни келишга нима мажбур қилди? Дарвоқе, сизларнинг битта гуруҳда ишлаётганингиз биз учун сюрприз бўлди. Бизга банкдан кўнғироқ қилиб, сизларнинг келганингизни айтишмагунча, бир-бирингиз билан таниш эканлигингизни ҳам билмасдик!

— Бу нима деганингиз? Биз ҳеч қандай қонунга хилоф иш қилганимиз йўқ, — Чарлз нима бўлаётганига тушунмай эътироз билдиришга уринди.

Федерал қидирув бюроси ходими хоҳолаб қулди:

— Бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқмоқчимсан, Гофер? Омалимиз келганини қара, бирданига учта қидирувга иш ашаддий жиноятчиларни қўлга олди! Сизлар тентакмисизлар, нима бало! Ахир учалангизнинг ҳам башарангиз акс эттирилган суратлар барча полиция бўлимида ва банк ходимларига тарқатилган-ку. Бундан ташқари, вақти-вақти билан детектив журналларда ҳам суратларингиз чоп этилиб турарди.

“Детектив журналларда ҳам...” дедим ичимда ниҳоят қандай воқеа юз берганини англаб. Ҳа, буюқ гримчи Бенжамин Фаст бизни бошлаб чув туширганди.

Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси

Сизлар тентакмисизлар, нима бало! Ахир учалангизнинг ҳам башарангиз акс эттирилган суратлар барча полиция бўлими ва банк ходимларига тарқатилган-ку. Бундан ташқари, вақти-вақти билан детектив журналларда ҳам суратларингиз чоп этилиб турарди.

ИБРАТ

## ОППОҚ ҚОҒОЗ ВА ҚОРА ДОҒ

Профессор дарсхонага кириб келиши биланоқ талабаларидан ажойиб бир тестга тайёргарлик кўришларини сўради. Талабалар бироз ташвишга тушган ҳолда тест бошланганини куттишар эди. Муаллим ҳар доимгидек тест қоғозини орқа ўтириб тарқатиб чиқди. Талабалар тест саволларини ўқиш мақсадида қоғозини ўгиришди. Қоғоз ўртасида битта қора нуқтадан бошқа ҳеч қандай топшириқ йўқ эди. Бундан ажабланган талабалар бир-бирларига ҳайрон қараб қолишди.

Профессор талабаларнинг

юзиде ажабланишни кўриши билан уларга: “Мен қоғозда нимани кўраётган бўлсангиз, шу ҳақда ёзишингизни сўрайман”, деди. Талабалар иккиланиш билан тушунарси шартни бажаришни бошладилар. Дарсинг охирига келиб, профессор барчадан қоғозларни йиғиб олиб, ҳар бир талабанинг ёзган жавобини улар олтида овоз чиқариб ўқий бошлади. Талабаларнинг барчаси фақатгина қора нуқта ҳақида, унинг қоғознинг ўртасида жойлашгани ҳақида ёзган, ўз фикрини баён қилган эдилар.

Жавоблар ўқиб бўлингач, орага сукунат чўмди ва бироз ўтиб профессор талабаларга: “Мен бу жавобларга баҳо қўймоқчи эмасман. Сизларни мулоҳазага чорламоқчиман ҳоло. Ҳеч ким ўз жавобиде қоғознинг оқ қисми ҳақида ҳеч нарса ёзмапти. Барча диққат-эътиборни қора нуқтага қаратибди. Афсуски худди шу ҳолат бизнинг ҳаётимизда ҳам мавжуд. Биз ҳар доим инсонларнинг ёмон одатларига эътибор берамиз, худди қоғоздаги қора нуқта каби. Аслида қоғознинг оқ жойи қора нуқтага қараган-

да анча даражада кўп. Тириклик — Худо тарафидан бир-биримизга ёрдам бериш, қайғуриш учун берилган совға. Ҳаётимиз хурсандчиликларга, яхшиликларга, яхши инсонларга тўладир. Тўғри, уша қора нуқтага ҳам эътибор қаратишимиз, уни тўғрилашга ёрдам беришимиз керак. Лекин бу оқ жойларни унутмаган ҳолда бўлиши лозим. Қора нуқта эса оқ жойларга нисбатан жуда ҳам кичкина, кўринмасдир”, деди.

Мирносир ҲАСАНОВ таржимаси

# ТАЛАБА ТАЛАБАГА ЎРГАТАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг компютер инжиниринг факултети 4-босқич талабалари Бегенч Гелдибаев ва Ислам Халиевлар қобилиятли, интилувчан ёшлардан. Улар инновацион фояларни ҳаётимизга татбиқ этаётган веб-дастурчи тенгдошлари орасида ажралиб туради.

Яқинда филиал профессор-ўқитувчилари қўллаб-қувватло-

ви остида қаҳрамонларимиз 1-4-босқич талабалари учун START-UP ўқув семинари ташкил этиш ташаббуси билан чиқиди. "Веб-дастурлаш ва веб-саҳифа ишлаб чиқиш" мавзусидаги бу семинарда веб ва интернет технологиялари ҳақида иштирокчиларга назарий ва амалий маълумотлар бериш, талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмга чанқоқ ёш иxtирочиларни янада изланишга рағбатлантириш асо-

сий мақсад қилиб олинди. Шунингдек, семинарда веб-саҳифани дастурлаш, веб-технологияларни профессионал тарзда яратиш, ахборотни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш ва бунга йўналтиришга қаратилган маҳорат дарслари ўтказилди.

Б.Гелдибаев ва И.Халиевлар турли инновацион фоялар танловларида фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, ўтган йили филиалда ўтказилган тан-

ловда ўзлари яратган "Туғурук-хона иш фоалиятини автоматлаштириш" дастури Қорақалпоғистонда энг биринчи реклама берувчи портал! Биз сизнинг хизматингизда миз — www.bizler.uz, сифатли ва арзон маҳсулотлар — www.taytel.uz веб-сайтлари билан қатнашиб, мутахассислар эътирофига сазовор бўлишган эди.

Саламат АВЕЗОВ,  
ТАТУ Нукус филиали лаборанти

## ТАНЛОВ

# ИННОВАЦИОН FOЯЛАР — ҲАЁТГА

Фаол талбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан Фарғона вилоят хотин-қизлар кўмитаси Фарғона политехника институтида изланувчан ва иxtирочли хотин-қизлар ўртасида "Энг яхши инновацион фоялар — ҳаётга!" шиори остида кўрик-танлов ўтказди.

Ҳайъат аъзолари томонидан иштирокчилар бешта йўналиш бўйича сараланди. Ғолиблар

ҳаётга татбиқ этилган энг яхши инновацион лойиҳалари асосида аниқланди. Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ассистенти Нодирахон Мамасодиқова "Энг яхши электрон-ҳисоблаш машинаси учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси", Фарғона ёғ-мой акциядорлик жамияти ёғ ишлаб чиқариш тизими технологи Нафисахон Қодирова "Энг яхши саноат намунаси", Қўқон

давлат педагогика институти ўқитувчиси Дилрабо Норқўзиёва "Аёллар илмий жамоасининг энг самарали инновацион лойиҳаси" йўналишларида ғолиб бўлишди.

Шунингдек, танловда ТАТУ Фарғона филиали талабаси Камола Ҳайдарова "Энг самарали инновацион лойиҳа", Марғилон шаҳридаги 2-тиббидеб коллежи ўқитувчиси Оянимхон Пулатхонова "Ўқувчи қизнинг энг ис-

тиқболли инновацион фояси", Фарғона политехника институти талабаси Зулайхо Эрматова эса "Энг яхши рационализаторлик таклиф" йўналишида ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди.

Кўрик-танловда ғолиблар ташкилотчилар томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Муҳаммаджон  
МАҲМУДОВ

## ДИЛ ИЗҶОРИ

# АЁЛГА ЭҶТИРОМ

Мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланди. "Ўзбекистонда" АК Фарғона филиали маъмурияти ҳамда касаб уюшмаси кўмитаси томонидан ҳам Фарғона шаҳридаги "Дўстлик" тўйхона-мажмуасида аёлларга ҳурмат-эҳтиром тадбири ташкил этилди.

260 нафар аёл иштирок этган байрам тадбирини табрик сўзи билан очган филиал директори Владимир Ежов барча оналарни, опа-сингиллар ва дилбар қизларни — соҳа фидоиларини ушбу айём билан қўтлаб, энг самимий, энг эзгу тилаklarини изҳор этди. Филиал цех касаб уюшмаси

кўмитаси раиси Ҳусанбой Абдурахимов, Фарғона ва Кува-соф шаҳар ТБ раҳбарлари Музаффар Носиров ҳамда Раҳмонберди Каримжонов, Кува туман ТБ раҳбари Азиза Абдуллажоновна, филиал бўлим бошлиғи Гулноза Жўраева, филиал касаб уюшмаси кўмитаси раиси Машрабжон Раҳимовлар ўз табрикларидан хурматли опа-сингилларимизнинг жамияти ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган Президент фармони аҳамияти, филиал аёлларининг телекоммуникация ривожига қўшаётган ҳиссаларига алоҳида тўхтадилар. — Ўтган йили "Ўзбекистон

Республикаси мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган қўллаб ҳам-касблар орасида мен ҳам бор-лигимдан беҳад мамнунман, — дейди филиал бош бухгалтери ўринбосари Ҳамидахон Барзиёва. — Мен бу мукофотни узоқ йиллик меҳнатларимга берилган муносиб баҳо деб биламан ва бундан фахрланаман. Бугунги файзли дастурхон атрофидаги ширин суҳбатлар, аёл садоқати ва матонати мадҳ этилган алёр ва тароналар ҳам биз аёлларни қадрлашнинг энг гўзал кўриниши бўлди, десам асло муболага бўлмайди.

С.ҲАФИЗОВА

Гўзал юртимизда яна баҳор, қалбларимизда эзгуликка, яхшиликка интилиш жўш уряпти. Бизнинг юртимиздаги аёлга бўлган муносабат, ҳурматга кўпчилик қўшни давлатларнинг ҳаваси келади.

Бу ҳурмат, бу эъзоз 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида республикамизнинг илгор хотин-қизлари иштирокида ўтказилган байрам тадбирида яна бир бор намоён бўлди. Байрам тадбирига таширф буюрган Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокчиларни ва улар орқали мамлакатимизнинг барча аёлларини самимий муборакбод этди, уларга мустаҳкам соғлиқ, улкан бахт-саодат тилади. Шу билан бирга, Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизларга мукофотни ўз қўллари билан топширди.

Воқеалар жараёнини телевизор орқали томоша қилар эканман, биз аёлларга бўлган эътибордан бошим осмонга етди. Президентимизнинг меҳрга тўла табрик сўзлари мени янги марралар сари чорламоқда.

Фароғат ТОЛЕЕВА,  
"Электромагнит мослашув маркази" ДУК мутахассиси

## ЭЪЛОНЛАР

### "АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҶАСИ ТАРИХИ ВА МЕРОСИ" ЖАМОАТ ФОНДИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Жамоат фонди ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сон фармойишига асосан 2018 йил 13 мартда "АЛСКОМ" суғурта компаниясининг

8300,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ҳомийлик пули "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

### Диққат, диққат!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси 5 донга энг сўнги русумдаги компютерларни сотиб олади. Тижорат таклифларингиз билан +99871 239 42 93 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Истиқлол йўчаси, 29-уй.  
Республика йўл жамғармаси

Тошкент алоқа касб-хўна қоллежи томонидан 2016 йилда Муниса Тоҳиржоновна номига берилган К №4480019 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирлик ишлар бошқармаси хўжалик мудири Қаҳрамон Раймжоновна волидан муҳтарамаси **Ойниса РАЙИМЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ТАТУ касаб уюшмаси кўмитаси бош ҳисобчиси Муҳаббат Аъзамовага падари бузуққвори

**Абдунаби отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейи жамоалари музей директор ўринбосари Нилуфар Азизовага онаси **Дилбар АЗИЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# УМР СЎҚМОҚЛАРИДА ЮЗ ЙИЛ

Худди шундай. “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Миробод телефон боғламасининг 55-АТСида 30 йилдан ортиқ меҳнат қилган Евдокия ЯКИМОВА бу йил юзинчи баҳорини қарши олди.



**Уруш пайтида минглаб одамлар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Улар қаторида мен ҳам Тошкентга келиб қолганман. Ўшанда бағрикенг ўзбек халқи охирги бурда нони бўлса-да, биз билан бўлишиб, меҳр-оқибат кўрсатди. Яшашга жой, кийим-кечак, озиқ-овқат беришди, иш билан таъминлашди.**

Наврўз байрами муносабати билан юртимизда алоқа соҳаси ривожига муносиб улуш қўшиб, айна пайтда кексалик гаштини сураётган ёши улуғ инсонлар, кам таъминотли оилалар, фахрийлар хонадонига бўлиб, уларга байрам совғаларига қўшиб бир олам севинч улашиб юрган “Ўзбектелеком” АКнинг “ТШТТ” филиали касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Жаҳонгир Абдимўминов ҳамда Миробод телефон боғламаси масъуллари билан биргаликда онахоннинг хонадонига кириб борганимизда, бизни Евдокия Павловна ҳамда у кишининг келини (укасининг рафикаси) 80 ёшли Таисия Максимова кутиб олишди.

Хамкасбларини кўриб, Евдокия буви шунчалар қувондики, инсон кексайганида ёш боладай беғубор ва масъум бўлиб қолишига яна бир қарра ишондик. У ўзини кўйгани жой тола олмас, қайта-қайта миннатдорлик билдиришдан чарчамасди.

— Сиз каби фахрийлар бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, — деди Жаҳонгир Абдимўминов. — Аксинча, биз сиздан беҳад миннатдоримиз. Сиздай матонатли алоқачилар энг қийин пайтларда меҳнат қилиб, юртимизда соҳа ривожига, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатишдек муҳим ишга муносиб хисса қўшганлардансиз. Сизнинг ҳаётингиз, матонатингиз биз учун ибрат.

Дарҳақиқат, Евдокия Павловна умрнинг пасту баланд сўқмоқларидан чидам, сабот

билан ўтиб, фаровон кунларга етиб келган инсонлардан бири. У 1918 йил баҳорининг илк кунини Россиянинг Пенза вилоятида дунёга келган. Ўша пайтдаги аҳвол нақадар қийин бўлишига қарамай ўқиди, билим олди.

— Тенгдошларим пешонасига бир йили бир асрга татиғулик оғир кунларни бошдан кечириш ёзилган экан, — деди Евдокия Павловна хўрсиниш билан. — Болалигим инкилоб талотўплари сабаб очлик, юпунликда ўтган бўлса, кейинчалик миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуришига, аёллар бева, болажонлар етим қолишига сабаб бўлган машҳур Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Уруш пайтида минглаб одамлар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Улар қаторида мен ҳам Тошкентга келиб қолганман. Ўшанда бағрикенг ўзбек халқи охирги бурда нони бўлса-да, биз билан бўлишиб, меҳр-оқибат кўрсатди. Яшашга жой, кийим-кечак, озиқ-овқат беришди, иш билан таъминлашди. 30 йилдан ортиқ вақт давомида 55-АТС ҳисоб-китоб гуруҳида ишладим. Пенсияга чиққангизга 40 йилдан ошди хамки, хамкасбларим мени

унутишмайди. Байрамларда, туғилган кунимда совға-салом билан йўқлаб туришди. Мен бу ажойиб халқдан, “ТШТТ” филиали раҳбариятидан беҳад миннатдорман.

Евдокия Павловнанинг ўтмишдан ҳикоялари туфайли тушган маҳзунликни тарқатмоқчи бўлдими, Таисия Максимова қайнэгачиси билан боғлиқ қизиқарли воқеани айтиб берди.

— Мен Евдокия Павловнадай серғайрат, ҳаракатчан одамни кўрмаганман, — деди Таисия Дёмина. — Ҳозиргача уйни ўзи йиғиштиради, кир ювади, бетартиблик билан келишмайди. Ширин-ширин овқатлар пиширади. Шу сабаб бўлса керак, мендан анча ёш кўринади.

Хуллас, икки кун аввал тишлари оғриб, шифокор қабулига бордик. Юзи шишиб кетгани боис, рўмол билан танғиб олган ва гапиришга ҳам қийналарди. Шифокорнинг саволларига жавоб беришимга тўғри келди.

— Туғилган йили?

— 18-йил, дедим бир минг тўққиз юзини айтиш эсимдан чиқиб.

— Нима устимдан куляпсизми? 18-йил туғилган бўлса,

хали тишлари бўлмайди-ку, — деди шифокор. — Нима чақалқни олиб келдингизми?

Мен уэр сўраб, 1918 йил эканлигини айтдим. Шунда шифокор яна ишонмади, чунки қабулида 70-80 ёш оралиғидаги аёл ўтирарди. У ажабланиб, ҳужжат сўради. Мен Евдокия Павловнанинг паспортини бердим. Шунда у туриб, опамни бағрига босди. Бизга ҳам сизга ўхшаб юриш насиб қилсин, дея дуо қилди.

— Дарҳақиқат, неча ёшга кирсак ҳам сиздай соғлом ва серҳаракат бўлиш ҳаммамизга насиб этсин, — деди Миробод телефон боғламаси муҳандиси Наргиза Иномова Евдокия Якимова билан хайрлашар эканмиз.

Евдокия Павловна эса, хамирини тайёрлаб қўйганман, бир пас ўтирсангиз, пирожки пишириб берардим, дея бизни узоқроқ олиб қолишга уринди.

Меҳмонларни кеткизгани келмаётгани ҳаракатларида, юз-кўзларида акс этиб турарди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**  
“Хабар” мухбири

*М.Солиев олган сурат*

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали 4-боғламаси жамоаси боғламча кабел бўлими бошлиғи Қаршибой Қулматовни 60 ёши билан қизғин кутлайди. Унга сизхат-саломатлик ва узоқ умр, ишларида омадлар тилайди.



“Хабар” газетасининг навбатдаги 12-сонини 2018 йил 24 март куни чоп этилади.

<p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100105, Тошкент, Толдмаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.</p>	<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоғжон ЙҮЛДОШЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаинг жума кунин чиқади</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-343 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 9125 нуска.</p>
<p>Видеот мухбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 21.30. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>	<p>823456</p>